




Бу Самарканд ахли фойдасига қарор чиқарган ва унинг шарафи билан шаҳар ахли Ислоҳ динига киргани ҳақидаги буюқ бир маҳкама тарихидир. Муслмон ва ғайридинлар орасида ҳар қандай вазиятга қарамадан Ислоҳ адолатига далил бўлган Ислоҳ тарихининг ёрқин саҳифаларидан бири ҳамдир.

Маълумки, Самарканд – Марказий Осиёнинг гўзал шаҳарларидан бири. Ислоҳ келишидан олдин бу ўлка аҳолиси мушрик эди. Уларнинг бутлари тошдан ясалган бўлиб, қимматбаҳо тошлар беэаб турарди. Бутларга сизгиниш жойи тоғлар ораси эди. Бу олий қохинлар сизгиниши учун мўлжалланган жой, ундан ташқари, Самарканд марказида ҳам сизгиниш учун майда-чуйда жойлар кўп эди.

Ўша даврларда зохидлиги, солихлиги бошқаларга мисол қилиб кўрсатиладиган одам мўминлар амири эди. У адолатли, тақводор ва зохид бўлиб, жуда кўп ибодат қиларди. Исмои Умар ибн Абдулазиз (680-720) эди (рахимахуллоҳ).

Рум қайсари ва форс шохлари эга бўла олмаган ерлар унга тобеъ, у бошқарган мамлакат чегараси Атлантика уммонидан бошланиб, Хитойгача етган эди.

Маъшҳур саркарда Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги муслмонлар кўшни Самарканднинг шарқий тарафига келганларида, шаҳар аҳолиси хабар топиб, мудофаага ўтмаслиги учун шаҳар ортида жойлашган тоққа қараб юришади. Орқа тарафдан ҳужум қилиш имкониятига эга бўлишади. Сўнг улар бўрон қаби шаҳарга бостириб қиришади ва зикр айтган ҳолларида тезда Самарканд марказини эгаллашади. Аҳолини эса тўлиқ бўйсундира олишмайди. Шаҳар ҳокими, қохинлари ва қўмондонлари тоғлар орасидаги бутларга сизгинадиган жойга қараб қочишади, аҳоли эса муслмонлардан кўрқиб уйларига берқиниб олишади.

Озрок муддат ўтиб, улар сув ва таом учун уйларида аста-секин чиқа бошлайди,

аввалига бу иш учун ўз болаларини ташкарига чиқаришади; мусулмонлар эса уларга тегмас, аксинча, керакли нарсаларини уйларига олиб келишда ёрдамлашиб ҳам туришар эди. Болалар эса хурсанд холларида уйларига емак ва ичмакларини келтиришар эди. Шу тарика калбларига хотиржамлик иниб, ўз ер ва мулкларига қайтишни бошлашади. Ажабки, мол-мулкларини қандай ҳолатда қолдиришган бўлса, қайтиб уларни шундай ҳолатда топишади. Улар олдинги одатий ҳаётларини давом эттирадилар. Мусулмонлар ва самаркандликлар орасида савдо-сотик ва бошқа муносабатлар ўрнатилиши бошланади. Улар мусулмонларда омонатдорлик ва тўғрилиқни қўришади, мусулмонлар тарафидан уларга ҳеч қандай зулм ҳам бўлмайди.

Бир самаркандлик билан мусулмон ўртасидаги баҳсда шаръий маҳкама самаркандликнинг фойдасига қарор чиқаради. Бу шаҳар аҳолисининг чексиз хайратига сабаб бўлади.

Ушбу воқеа ҳақидаги хабарлар тоққа қочиб кетган роҳибларга ҳам етиб боради. Ўшанда улар агар босқинчилар адолат билан ҳукм қилаётган бўлса, уларнинг амирлари ҳам солих киши эканига шубҳа йўқ, дейишади ва ўзларидан бир кишини бўлган воқеаларни унга етказиш учун юборишади.

Шу топширик билан ёш қохин юраги қўрқувга тўла ҳолатда Дамашккача етиб боради. Бир қатта саройга кўзи тушади ва буни амирнинг саройи деб ўйлайди, бироқ одамлар негадир бу саройга бемалол кириб чиқишмоқда. Сўнг у ҳам дадилроқ бўлиб ушбу саройга қиради. Бу чиройли ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган, узун минорали машҳур Уммавийлар масжиди бўлиб, унда қимдир сажда қилган, қимдир эса рукъуда эди... Бундай мўъжизавий жойни қўрган элчи улар ҳақида фикр юрита бошлади. У мусулмонлар тезда саф-саф бўлаётганини қўриб, бунчалик қўп одам текис саф тортаётганидан анча ажабланди.

Намозни адо қилиб бўлгач, одамлар масжиддан чиқа бошлашди. У мусулмонлардан бирининг олдига бориб, мўминлар амири саройи ва амирларингиз қани деб сўради. Мусулмон киши: “Намозда имом бўлди-ку, нахотки сен уни қўрмадинг?” деб жавоб берди. Йигит намоз дегани нима? деб сўради. Мусулмон эса, Ягона ва шериклари бўлмаган Аллоҳ таолога таслим бўлиш ва унга ибодат қилиш, дея жавоб берди. Сўнг у: “Сен мусулмон эмасмисан?” деб сўради. Элчи йўқ, деб жавоб берди. Мусулмон эса табассум билан “Сен қайси диндасан?”, деб сўради. Йигит: “Мен Самарканд қохинлари эътикод қилаётган диндаман. Улар эса бутларга сизинишади”, – деди. Мусулмон: “Биз мусулмонлар Аллоҳ таолога ибодат қиламиз ва унга шерик қўшмаймиз”, деб жавоб берди.

У мўминлар амири уйининг манзилини тушунтириб берди. Элчи йигит унинг айтганлари бўйича бир уйни топиб борди, уй олдига қандайдир одам деворини таъмирлаётган экан. Унинг қийимига лой теккан, абгоррок бир ҳолда эди. Йигит масжидга қайтади ва халиги мусулмонни топиб: “Устимдан қуляпсанми, мен мўминлар амири ҳақида сўраяпман, сен эса деворини таъмирлаётган бир фақир одамга йўллабсан”, деди.

Мусулмон элчи йигит билан Умар ибн Абдулазиз уйига келиб, амирул мўминини қўрсатди. У эса деворини тузатмоқда эди. Ўшанда элчи яна унинг ҳазиллашаётгани айтди. Мусулмон эса Аллоҳ номи билан қасам ичди. Элчи йигит эса, қохинларнинг қибрини ёдга олиб хайратга тушди. У шундай ўйлар ичра ҳаёлга шўнгиган пайтда, бир аёл боласи билан мўминлар амиридан “Байтул мол”дан берилаётган нафақасини қўпайтиришларини сўраб келиб қолди. Шунда унинг ўғли амирул мўминийнинг боласи ўйнаётган ўйинчоққа талпинди ва унинг қўлидан тортиб олди. Амир мўминийнинг ўғли

Ўйинчоғини кайтариб оламан деган пайтда аёлнинг ўғли уни уриб юборди. Шунда боланинг юзи конади ва ҳар қандай она каби амирул муъминийнинг завжалари ҳам боласи томон чопди ва уни бағрига босиб ярасини боғлади. Кейин аёл ва боласига бакира кетди.

Халифанинг хотини ким эканини биласизми? У сарой ва подшоҳ тарбияланувчиси, отаси, эри ва иниларининг ҳаммаси мусулмонларнинг буюк халифалари бўлган Фотима бинти Абдулмалик эди. Шунда Умар ибн Абдулазиз нима қилдилар?

Аёл ва боласининг юзига бокдилар. Уларни кўркинч чулғаб олганди, тинчлантирдилар. Ўғилларидан ўйинчокни олиб боланинг кўлига бердилар. Аёлга оладиганига кўшимча қилиб берилишини буюрдилар. Сўнг ўз ўғилларини юзидан ўпиб уни ҳам тинчлантирдилар. Сўнг хотинларига бокдилар ва: “Меҳрибоним, уни, боласини кўркитиб юбординг. Пайгамбар (с.а.в.) айтганлар: “Ким бир мусулмонни кўркитса, Аллоҳ уни қиёмат куни кўркитади”, дедилар, сўнг деворни тузатишни тўхтатдилар.

Йигит халимлик оғушида эканини ҳис қилиб амирул муъминийнга яқинлашишга журъат этди. Умар ундан нимага келганини сўраганларида, у шундай жавоб қилди: “Хўжам, Самарканд ахлининг ҳаққини сўрайман. Сизга Кутайба ибн Муслим устидан шикоят қилиб келдим. Биз сизнинг адолатингизни биламиз, инсоф қилишингиздан умидвормиз. Кутайба тўсатдан бизга ҳужум қилди. Биз сизларнинг уч кун душманга муҳлат беришингиз ва ислом, ёки ҳижра ёхуд уруш ўртасида ихтиёрли қилиш одатингиз эканини билардик”.

Умар: “Бу бизнинг одатимиз эмас, балки у Аллоҳнинг амри ва Расулининг (с.а.в) суннатларидир”, дедилар. Шунда йигит: “Кутайба бундай қилмади”, деди.

Буларни тинглаган амир қарор чиқаришга шошгани йўқ, чунки у зотнинг факат бир тарафни тинглаб қарор чиқарадиган одати йўқ эди. Бир парча қозоқ олди ва икки қатор сўз ёзиб деди: “Буни Самарканд ноибига етказ, у сизларга зулм қилишдан тўхтайти”.

Йигит Дамашқдан Самаркандга қараб йўлга отланди. Чўл ва тоғлардан ўтиб борар экан, ўзича: “Шу бир мактуб Кутайба қиличлари олдида нима қила олар экан? Самаркандга келгач у мактубни қохинларга беради. Улар эса, бу мактубга қўра қарор чиқариши учун уни ноибга беради. Ноиб мактубдан хайратга тушса ҳам у мўминлар амири қўлини (ёзувини) танир эди. У, ҳақиқатан ҳам, мактуб амирдан эканига ишонч ҳосил қилиб, хатни очди, унда эса қуйидаги сўзлар битилган эди: “Мўминлар амирдан Самарканд ноибига. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатух! Самарканд қохинлари билан Кутайба ўртасидаги мувоҳасани ҳал қилиш учун қози тайинла. Ўзинг эса, Кутайба ибн Муслим ўрнини эгалла”. Ноиб Кутайбани қалаба ва қатҳлардан қалғитмаслик учун уни орқага қайтаришни истамас эди.

Бироқ на қоза, амирнинг буйругини қажариш қарар. У тезда қози тайин қилади. Қози Кутайбага тез қайтишни буйради. Маҳкама масжидда бўлиши тайин қилинади. Қохин ва аҳолини ҳам масжидга йиғишади, Кутайба ибн Муслим ҳам қелтирилади. Унга қозининг буйруги етиб қорғанида, у қайтиш учун икки кун қотдан тушмасдан шаҳарга қайтиб қелади. Қохинлар Кутайбанинг қайтиб қелганини эшитиб, қўрқувдан сув қерга қотишади.

Кутайба масжидга қирди, қиличини қўйди ва қози олдига қелиб қурди. Қози эса, Кутайбага даъвоғар ёнида ўтиришга амр этди. Маҳкама қараёни бошланди.

Сўнг қози қохинга юзланиб даъвосини арз қилишни айтди. Қохин: “Бу қўмондонингиз Кутайба ибн Муслим қиёматимизга оғохлантиришсиз қирди. Ҳамма мамлакатларга уч танлов; ислом ёки ҳижра ёки қарбни тақлиф қилди. Аммо бизни ҳийла билан босиб олди”,

деди.

Кози Кутайбага юзланди ва: “Бу шикоятга нима дейсан?”, деди. Кутайба унга жавоб килди: “Аллох козини ислох килсин! Харб бу хийладир. Бу мамлакат ўта кудратли. Фатх олдида тўганок бўлиб турганди. Мен билардимки, агар икки томон урушадиган бўлса конлар анхор бўлиб окарди. Аллох мени бу режага йўллади. Бу кутилмаган ишимиз билан мусулмонларни катта зарардан химоя килдик ва душманимизнинг жонини асрадик. Ха, биз уларни фавкулудда холга солдик, лекин уларни куткардик ва уларга исломни танитдик!”

Кози унга: “Эй Кутайба, уларни исломга ёки жияга ёхуд харбга чакирдиларингми?”, деди. Кутайба жавоб килди: “Йўк. Айтган сабабларимга кўра кутилмаганда хужум килдик”. Шунда кози деди: “Эй Кутайба, сен икром бўлдинг. Агар даъво килинаётган киши айбига икром бўлса муҳокама тугайди. Эй Кутайба, Аллох бу умматга факат дин туфайлигина нусрат берган. Хиёнатдан сакланиш ва адолатла туриш дин буюкликларидандир. Аллохга касамки, биз уйимиздан Аллох йўлида жиход килиш учунгина чикканмиз. Ерга эга бўлиш, мамлакатларни босиб олиш ва ноҳак унда олий бўлиш учун чикмаганмиз!”.

Сўнг кози башарият тарихидаги энг ажиб ҳукми чикарди: “Мусулмон кўшинининг хаммаси Самарканддан уч кун ичида қандай тез кирган бўлса шундай тез чикиб кетсин ва шаҳарни ўз ахлига қайтарсин. Уларга урушга ҳозирланишга фурсат берилсин. Сўнг уларни огохлантирсинлар ва ислом ёки жия ёхуд харб ўртасида ихтиёр берсинлар. Агар улар харбни танласалар, у ҳолда уруш бўлади. Бу Аллох таоло шариатининг ва пайгамбари (с.а.в.)нинг суннатининг татбиқи бўлади”. Мусулмонлар шаҳарни тарк қила бошлашди, кози ҳам туриб кохинлар олдида чикиб кетди. Кохинлар ўз кўзларига ишонмай қолишди, Самарканд ахли эса мусулмонлар шаҳарни қандай тарк қилаётганини кузатиб қолишди. Ўшанда ўша йигит: “Аллохга касамки, уларнинг дини – ХАК”, деди ва калимаи шаҳодатни айтди. Йигит орқасидан кохинлар ҳам Аллохнинг ягоналигига шохдат келтирди ва Исломни қабул килди.

Ўшанда иш узок чўзилмай Самарканд ахлининг хаммаси Исломни қабул килганди. Ха, бу Аллохнинг барҳаёт дини Исломдир! Бу бизнинг умматларнинг яхшиси бўлган кунларимизда нур, раҳмат ва адолат билан ёзган тарихимиздир!..

Интернет маълумотлари асосида

Абу Муслим тайёрлади